

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ  
Бошқарувининг  
2022 йил 2 август даги  
94/2 -сонли қарорига  
2 - ИЛОВА

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ  
Кузатув кенгашининг  
2022 йил \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сонли қарори билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”

Юридик департамент  
Методология бошқармасида  
2022 йил \_\_\_\_\_ да  
\_\_\_\_\_ -сон билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг экологик ва ижтимоий рискларни  
бошқариш сиёсати  
(Янги тахрир)**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу ҳужжат (кейинги ўринларда - Сиёсат) “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг (кейинги ўринларда - Банк) кредит ва инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш сиёсатини ҳамда ушбу рискларни бошқариш орқали узоқ муддатли истиқболда Банк мижозларининг барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган ва молиялаштирилаётган лойиҳалар бўйича мажбурий экологик ва ижтимоий талабларини белгилайди.

2. Сиёсат қуйидаги мақсадларга эришишга қаратилган:

Потенциал салбий экологик ва ижтимоий таъсирларни камайтириш ва Банкнинг кредит ва инвестиция фаолияти давомида юзага келадиган ижобий экологик ва ижтимоий таъсирларни ошириш;

мижозларни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик ва ижтимоий жиҳатлар соҳасидаги миллий қонунчилик талабларига мувофиқ равишда бизнес юритишга, шунингдек экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш соҳасидаги илғор халқаро тажрибаларни қўллашга рағбатлантириш.

3. Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой ва Ер кодекслари, “Давлат экологик экспертизаси тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами: 541, 2020 йил 07 сентябрь) шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги халқаро молия институтларининг тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

4. Ушбу Сиёсат қоидалари Банк ва қарз олувчилар ўртасида тузиладиган шартномаларда кўрсатилган тақдирда қўлланилади.



## II. Банк мажбуриятлари

5. Банк ўз фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги глобал кадриятларни тарғиб этишга, меҳнат муносабатларига, атроф-муҳит муҳофазасига маъсулиятли ёндашишга, илғор тажрибалар, Халқаро молия институтларининг (кейинги ўринда - ХМИ) қўлланма ҳужжатлари ва Глобал барқарор ривожланиш мақсадларига (кейинги ўринда - БРМ) мувофиқ ихтиёрий равишда экологик ва ижтимоий мажбуриятларни олади.

6. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳуқуқий ва қонунчилик ҳужжатларида банкларнинг экологик мажбуриятларини белгиловчи қўйидаги қоидалар мавжуд:

Банк атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари ва экологик самарадорлик стандартларига жавоб бермайдиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашмайди

Банк томонидан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмаган лойиҳаларни молиялаштириш ва кредитлашга йўл қўймаслик;

табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни яхшилашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини устувор молиялаштириш.

7. Банк кредит ажратиш ва инвестиция фаолиятини амалга оширишда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва истеъмолчилари билан ўзаро муносабатлар, шунингдек, уларнинг молиявий, инвестиция ва савдо фаолияти Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг “Барқарор ривожланиш мақсадлари” (БРМ) Глобал ташаббуси доирасида қабул қилган мажбуриятларига мувофиқ равишда барқарор ривожланишга муҳим ҳисса қўшади деб ҳисоблайди. Банк ўзининг ривожланиш стратегияси ва ушбу Сиёсатга мувофиқ “Барқарор ривожланиш мақсадлари”нинг гендер тенглиги (БРМ5), тоза сув ва санитария (БРМ 6), арзон ва тоза энергия (БРМ 7) ва иқлим ўзгаришига қарши курашишларини (БРМ13) амалга оширишга қўмаклашади.

8. Банк экологик ва ижтимоий рискларни ва салбий таъсирларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш, минималлаштириш ёки компенсация қилиш чораларини ўз вақтида режалаштириш ва амалга ошириш учун қарз олувчилар фаолиятини ва молиялаштириладиган лойиҳаларни экологик ва ижтимоий баҳолашни амалга ошириш мажбуриятини олади.

9. Банк ўз ресурсларини атроф муҳитга жиддий зарар етказиши ва жиддий ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган лойиҳалардаги ва соҳалардаги концентрациясини камайтириш учун оқилона ва иқтисодий мақсадга мувофиқ ҳаракатлар қилади ва истиснолар рўйхатига киритилган айрим фаолият турларини молиялаштирмайди (истиснолар рўйхати “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тартиби” иловасида кўрсатилган).

10. Экологик ва ижтимоий таъсир ва рискларнинг мураккаблиги ва хилма-хиллигини тушунган ҳолда, маҳаллий аҳолига, табиий биологик хилма-хиллик ва экотизим хизматларига, маданий меърос объектларига жиддий ва қайтариб бўлмайдиган салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, шунингдек амалга ошириш жараёнида инсонларни қўчириш талаб қилинадиган ёки амалга ошириши аҳоли ҳаёти, саломатлиги ва ҳавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган комплекс лойиҳаларни молиялаштиришда Банк ХМИларнинг ижтимоий-экологик стандартларини (кейинги ўринларда ИЭС) қўллайди.

11. Банк ХМИлари билан қўмирни қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш ва сақлаш, шу жумладан қўмир ёқиш орқали иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш



бўйича фаолият ва лойиҳаларни молиялаштириш бўйича қабул қилинган ва келишилган мажбуриятларни экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш жараёнларига асосан бажаради.

**12.** Банк меҳнат муносабатлари ва меҳнат шароитлари соҳасида ХМИларнинг ИЭСлари талабларига мувофиқ маъсулиятли меҳнат амалиётини қўллаш мажбуриятини олади ва антропоген ва табиий фавқулодда ҳолатларда банк миқозлари, аҳоли ва ўз ходимларининг соғлиғини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ёндашувларига риоя қилади.

**13.** Банк озчиликни ташкил этадиган миллат ўзлигини маданий ифода этишининг анъанавий шакллари яратиш, тарқатиш ва тарғиб қилиш ҳамда улардан ўз тарраққиёти йўлида фойдаланиш ҳуқуқини тан олади ва зарурат туғилганда уларни қўллаб-қувватлайди.

**14.** Банк маданий ва тарихий мерос объектларининг ҳозирги ва келажак авлодлар учун муҳим ролини эътироф этади ва уларни ҳимоя қилишни ўзининг молиялаштириш фаолиятида таъминлайди. Банк маданий ва тарихий меросларни, қонун билан ҳимоя қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъий назар, уларни ҳимоя қилишдан манфаатдор.

**15.** Банк ўз фаолиятида экологик ва ижтимоий бошқарув самарадорлигини доимий равишда ошириш мажбуриятини олади. Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш учун вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиши, янгиланиши ва ўзгартирилиши, шу жумладан унинг фаолиятини доимий равишда ички баҳолаш натижасида аниқланган ва барқарор ривожланиш соҳасида эришилган натижалар билан таққосланиши керак.

### **III. Қарз олувчининг мажбуриятлари**

**16.** Банк қарз олувчининг фаолиятига экологик ва ижтимоий талаблари, юқорида кўрсатилган қонунчилик талаблари ва Банкнинг барқарор ривожланиш соҳасидаги мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилади.

**17.** Банк қарз олувчилар ўз фаолиятини амалга оширишда экологик ва ижтимоий таъсирлар камайтирилишини таъминиши, экологик ва ижтимоий стандартлар тўплами экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш жараёнларига мувофиқ қўлланилишини талаб қилади.

**18.** Банк томонидан қарз олувчиларга қуйидаги экологик ва ижтимоий талаблар қўйилади:

Банкнинг истиснолар рўйхатида киритилган фаолият билан шуғулланмаслик;  
атроф муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатлари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва бошқа ижтимоий жиҳатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларига, давлат стандартлари ва меъёрларига риоя қилиш;

Банкнинг экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимида белгиланган ҳолларда ХМИларнинг ИЭСлари талабларига ва Жаҳон банкининг атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш ва меҳнатга оид қўлланмаларига мувофиқ бизнес фаолиятини олиб бориш ва комплекс лойиҳаларни амалга ошириш;

экологик рискларни минималлаштириш, атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан замонавий технологиялар, ускуналар ва материалларни жорий этиш орқали инсон ва атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш;



ижтимоий рискларнинг олдини олиш, камайтириш ва ижтимоий жавобгарликни оширишга қаратилган ишларни амалга ошириш;

фаолиятни амалга ошириш ва лойиҳаларни Банк тавсиясига биноан ташкил қилишда илғор экологик ва ижтимоий тажрибаларни жорий этиш ва қўллаш.

#### **IV. Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш**

19. Ушбу Сиёсат тамойилларини амалга ошириш учун Банк рискларини баҳолаш ва бошқаришнинг корпоратив амалиётига кирувчи экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимининг ишлашини таъминлаш мажбуриятини олади.

20. Банк томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар ушбу Сиёсат қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунига биноан нафақат молиявий имкониятлар асосида, балки экологик ва ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда уларни молиялаштириш имкониятлари тўғрисида қарор қабул қилиш учун экологик ва ижтимоий баҳолашдан ўтишлари шарт.

21. Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

мижозлар фаолиятини Банкнинг истиснолар рўйхатига мувофиқ олдиндан таҳлил (скрининг) қилиш;

объектларни экологик ва ижтимоий риск даражаси ХМИ стандартлари бўйича (А, В, С) “Давлат экологик экспертизаси тўғрисида”ги Низомига биноан қарз олувчининг лойиҳасига/фаолиятига тайинланган I, II, III ва IV тоифаларни ҳисобга олган ҳолда тоифалаш;

қарз олувчиларнинг фаолиятини амалдаги экологик ва ижтимоий талабларга мувофиқлигини экологик ва ижтимоий баҳолаш ҳамда зарур бўлганда, мижоз билан келишилгандан кейин кредит шартномасининг бир қисми бўлган салбий экологик ва ижтимоий таъсир ва рискларни камайтиришга йўналтирилган тузатувчи чоралар режасини ишлаб чиқиш.

22. Банк портфелининг экологик ва ижтимоий мониторинги. Мижознинг экологик ва ижтимоий мажбуриятларга мослигини текшириш мақсадида, Банк лойиҳада молиявий иштирок этиш даврида молиялаштирилган лойиҳаларни доимий равишда кузатиб боради.

Банкнинг амалга оширилган экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизими қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради:

Молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш босқичида лойиҳаларнинг потенциал экологик ва ижтимоий таъсирни ҳисобга олиш;

қарз олувчиларга уларнинг лойиҳа бўйича фаолиятини экологик ва ижтимоий таъсир даражаси ва хусусиятини ҳисобга олган ҳолда талабларни белгилайди ва ушбу талабларнинг бажарилишини назорат қилади;

қарз олувчиларнинг лойиҳаларига экологик ва ижтимоий муҳитга таъсирини баҳолаш натижалари бўйича тадбирлар режасини ва тавсияларини, шу жумладан жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш талабларини бажаришга хисса қўшиш;

аҳамиятли экологик ва ижтимоий рискларга ҳамда амалга оширилиши натижасида атроф-муҳит сифати ва одамларнинг яшаш шароитини сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келадиган лойиҳаларни молиялаштиришдан чиқариб ташлаш;

табiiй ресурсларни бошқариш масалаларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сифати ва экологик тоза ишлаб чиқаришни жорий этишга устуворлик бериш;

ушбу Сиёсатда кўзда тутилган талабларни бажаришда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш.



23. Давлат экологик сиёсати Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф - мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан амалга оширилади. Давлат экологик экспертизасини ўтказувчи Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (худудий бошқармалар) давлат экологик экспертизасининг ягона тизимини ташкил этади.

24. Банкнинг экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш сиёсати, Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг, Бошқарув томонидан Инвестиция ва кредит қўмиталари орқали амалга оширилади. Сиёсатни амалий татбиқ қилиш Банкнинг Риск менежмент департаменти томонидан амалга оширилади.

25. Банк ушбу Сиёсатни амалга ошириш ва тадбиқ қилиш учун иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги малакали кадрларга эга бўлади. Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимининг ишлашига жавобгар шахслар тайинланади.

26. Ушбу Сиёсат Банкнинг барча таркибий бўлинмаларига, шу жумладан Банк хизматлари офиси (БХО)/Банк хизматлари марказ (БХМ)ларига ҳам қўлланилади ва ушбу Сиёсат қоидалари Банк томонидан ажратиладиган барча кредит турларига нисбатан қўлланилади.

## **V. Ташкилий тузилма ва ходимлар таркиби**

27. Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва лозим даражада ишлаши учун Банкнинг Риск менежмент департаменти масъул ҳисобланади.

28. Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизими ва унинг ишлашини таъминлаш билан боғлиқ барча масалалар учун умумий жавобгарликка эга бўлган масъул ходимлар экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимининг координатори ҳамда экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимининг менежери ҳисобланади. Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимининг координатори роли Риск менежменти департаменти директориغا, экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимининг менежери эса экологик, иқлим ва социал рисклар бўлими бошлиғига юклатилади.

29. Банк доимий равишда экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимининг тартиб ва талабларини бажариш билан шуғулланувчи ходимларининг билимларини, ваколатлари ва кўникмаларини экологик ва ижтимоий рискларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш соҳасида мунтазам равишда ўқитиб бориш орқали такомиллаштириб борилади.

Риск менежмент департаменти томонидан ходимларни ўқитиш Банкнинг кадрлар билимини ошириш билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаси билан биргаликда ташкил этади ва ўтказилади.

## **VI. Экологик ва ижтимоий рискларни мониторинг қилиш**

30. Экологик ва ижтимоий рисклар мониторинги Банк томонидан доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг талабларига, зарур бўлган ҳолларда ХМИлари талабларига мувофиқ экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимида кўзда тутилган тартибга асосан амалга оширилади.

31. Экологик ва ижтимоий рискларни мониторинг қилиш мақсади-лойиҳанинг тўла рўёбга чиқариш даврида Банк мижозининг фаолияти билан боғлиқ жорий ва



янги экологик рискларни баҳолаш ҳамда шартнома шартларини назорат қилишдан иборат.

32. Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш мониторинги тизими батафсил тавсифи “Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш Тартиби” да белгиланган.

## **VII. Ички ҳисобот**

33. Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимининг ишлаши учун маъсул бўлган Риск менежмент департаменти доимий равишда, йилига камида бир марта, Банк раҳбарияти ва Кузатув кенгашига экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимининг ишлаши ва барқарор ривожланиши соҳасида белгиланган мақсадларга эришилганлиги тўғрисида ҳисобот тайёрлайди. Банк маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш жараёнини такомиллаштириш орқали экологик ва ижтимоий рисклар бошқарувини амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботларнинг сифатини оширишга интилади.

34. Банк экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш ва ўз мажбуриятларини бажаришга катта эътибор беради. Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизими самарали ишлашини таъминлаш учун даврий равишда қайта кўриб чиқиши, янгиланиши ва ўзгартирилиши мумкин.

## **VIII. Оммавий очиқлик ва жамоатчиликнинг хабардорлиги**

35. Банк барқарор ривожланиш бўйича манфаатдор томонлар, шу жумладан акциядорлар, мижозлар, назорат ва тартибга солувчи органлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан очиқ мулоқотни ривожлантиришга ҳисса қўшиш мажбуриятини олади.

36. Банк кредит ажратиш ва инвестиция фаолиятини амалга оширишда жамоатчиликнинг ҳамда экологик ва ижтимоий таъсир соҳасидаги бошқа манфаатдор томонларнинг қизиқиш ва фикрларини ҳисобга олади.

37. Ахборотларни ошкор этиш соҳасида Банк ўзининг йиллик ҳисоботида экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизими соҳасида амалдаги фаолиятини акс эттирувчи, Банк томонидан молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсири ҳақидаги бўлими, шунингдек лойиҳаларнинг экологик ва ижтимоий рискларини олдини олиш ва минималлаштириш бўйича кўзда тутилган чораларни акс эттиради.

38. Банк қарз олувчилари барча манфаатдор томонлар билан мазмунли музокаралар олиб боришади. Қарз олувчилар манфаатдор томонларга ўз вақтида, тегишли ва очиқ бўлган маълумотларни тақдим этишади ҳамда маҳаллий ва маданий анъаналар нуқтаи назаридан мақбул бўлган ва ҳар қандай манипуляцияларни, аралашувларни, мажбурлаш, камситиш ва кўрқитишни истисно этадиган маслаҳатлар ўтказади.

## **IX. Мурожаатларни кўриб чиқиш**

39. Мурожаатларни кўриб чиқиш механизми, лойиҳадан келиб чиқадиган манфаатдор томонларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, шунингдек сўровларни ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида, лойиҳанинг рисклари ва салбий таъсирига мувофиқ, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тизимидаги таклиф ва шикоятлар (агар улар мавжуд бўлса) учун самарали механизмдир.



40. Мурожаатларни кўриб чиқиш механизми мурожаатларни зудлик билан кўриб чиқиш, ушбу жараённинг шаффофлигини таъминлаш тамойилини ҳисобга олган ҳолда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилишга асосланган.

41. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби экологик ва ижтимоий бошқариш тизимининг бир қисмидир.

## **Х. Яқуний қондалар**

42. Экологик ва ижтимоий рискларни минималлаштириш мақсадида, Банк мавжуд молиявий ва технологик ресурсларни ҳисобга олган ҳолда, экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимини доимий равишда такомиллаштириб боради ва унинг натижадорлигини ошириб боради.

43. Банк ўз маблағлари ҳисобидан ва ХМИлар маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштиришда экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш жараёнида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли талаблари ва бошқа талабларни қўллайдди.

44. Ушбу Сиёсат тасдиқланиши муносабати билан Банк кенгашининг 2020 йил 10 ноябрдаги 2020/22-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк АТБ экологик ва ижтимоий хавфларни бошқариш сиёсати ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

45. Мазкур Сиёсат талабларини бузганлик учун қонунчиликка мувофиқ чоралар қўлланилади.